

**Ш А Р Т Н О М А**

Мингбулок туман

№ 1

2022 йил 19 январь

Амалдаги устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи «**Ривож Мархабо**» Х/К номидан иш кўрувчи **С.Исаков** бир томондан ва амалдаги низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи Мингбулок туман мактабгача таълим бўлими номидан бўлим мудир **М.Атакузиева** иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

**I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги **озик-овқат маҳсулотлари** (кейинги ўринларда "товар" деб юритилади)ни етказиб бериш. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати куйидагича белгиланган.

№	Товарлар (маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси	Етказиб бериш муддати
1	Нон 500 гр	шт	2575	1750	4506250	30 кун
					4506250	

**II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 4506250 (турт миллион беш юз олти минг икки юз эллик сўм) сўмни ташкил этади.

2.2. "Харидор" олинadиган товарлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 фоиз тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 30 кун муддат ичида товарларни (маҳсулот) МТТ манзилига ўз транспортида яъни "Харидор"га етказиб беради.

2.4. "Харидор" тақдим этилган ҳужжатларга асосан 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган товарлар (маҳсулот) учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

**III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ берилadиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги товарларни етказиб берилишини талаб қилиш;

Етказиб бериладиган товарлар (махсулот) кийматини хакконийлиги «Харидор» шартномасида булади.

### 3.2. "Етказиб берувчи" куйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган товарларни (махсулот) учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Харидордан талаб қилиш; Товарларни (махсулот) мазкур шартномага асосан "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш. Олинган товарлар (махсулот) нархига бюджет ташкилоти жавоб беради.

## IV. ШАРТНОМАНING БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд товарларнинг (махсулот) тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

## V. ТОМОНЛАРNING ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарларни (махсулот) етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар кийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган товар (махсулот) учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги тўғрисида етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

6.3. Форс-мажор ҳолати, яъни томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар ( ёнгин, сув тошқини шу каби ёнгиб бўлмайдиган кучлар ) юз берган тақдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

## VII. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома Мингбулок туман фазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кирази ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлик тугалланган тақдирда тўхтатилади.

### VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

### XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Етказиб берувчи номи»

«Буюртмачи»

«Ривож Мархабо» Х/К

Мингбулок туман мактабгача талим бўлими

Мингбулок тумани Ўзгариш МФЙ

Манзил: Мингбулок туман Жомашуй ш

Тел./факс

ш/х 400522860142047091100251001

х/р 20208000204902250001

СТИРи 305151814 МФО 00014

ОАТБ Халқбанки Мингбулок филиали

ОКОНХ 85100

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги

МФО: 00713 ИНН: 301931074

Ғазна х/в 23402000300100001010  
201122919 мфо 00014

ОКОНХ

Банк Марказий Банк бош бошқармаси

Опкент шаҳар Х.К.К.М



Раҳбар С.Исаков  
(ИМЗО) (Ф.И.Ш)



Раҳбар М.Агақўзиева  
(ИМЗО) (Ф.И.Ш)

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

№ SR27476868

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

Oziq-ovqat maxsulotlarini yetkazib berish (oldi-sotdi) bo'yicha shartnoma.  
("Rivoj Marhabo" XK)

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Mingbuloq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan  
ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil  
14-yanvarda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i



A.Mamadaliyev

17.01.2022 y.



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"RIVOJ MARHABO" Xususiy korxonaga

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"RIVOJ MARHABO" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

04.04.2011

1962

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

301931074

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Xususiy korxonaga

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Mingbuloq tumani, Oltinko'l, O'zgarish MFY Nurli yo'l  
ko'chasi,

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Mingbuloq tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

to'monidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



№ 2208090

## МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ



” 05 ” феврал 20 19 йилдан  
UZ.SMT.01.317.2408680 сон билан  
Давлат реестрида рўйхатга олинган.  
Амал қилиш муддати  
” 05 ” феврал 20 22 йилгача  
ТИФ-МН коди (маълумот учун)

«RIVOJ MARHABO» ХК, Ўзбекистон Республикаси

(корхона, фирма, ишлаб чиқарувчи мамлакат)

Ушбу сертификат тасдиқлайдики, тегишлича идентификацияланган маҳсулот:

**БИРИНЧИ НАВЛИ БУГДОЙ УНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН  
ВАЗНИ: 0,5 kg ва 0,6 kg ли ҚОЛИПЛИ НОН МАҲСУЛОТИ**

Серияли ишлаб чиқариш учун.

(миқдори ёки серияли ишлаб чиқарилиши) (номи, тури, хили, русуми)

MTR.008-2017, 6-илова;

меъёрий ҳужжат талабларига мувофиқдир.

ГОСТ 27842-88, 1.2.1 банди, 1.2.2 банди 2-жадвал, 1.2.3 банди 3-жадвал, 1.2.4 банди; Сан ҚМ 0283-2010;

Сертификатлаштириш схемаси:

4 / тўртинчи /

Буюртмачи (тайёрловчи, сотувчи)

«RIVOJ MARHABO» ХК

(кераги тагига чизилсин)

Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти Мингбулок тумани Ўзгариш МФЙ

Сертификатга асос бўлган:

(манзил)

а) ҳужжатлар

Ариза № 194/1-сонли 05.02.2019 йилдан.

Наманган вилоят ДСЭНМ томонидан берилган 03.02.2019 йилдаги 157186-сонли санитария-эпидемиологик ҳудуд. Амал қилиш муддати 03.02.2022 йилгача.

б) намуналар синови

UZ.AMT.07.MA1.013. Наманган ССМ ДК аккредитланган физик-кимёвий синов лабораториясида

утказилди. Синов баённомалари №12/114 ва 12/115-сонли 05.02.2019 йилдан. UZ.AMT.07.MA1.451. Наманган вилоят ДСЭНМ АСЛ да ўтказилди. Синов баённомаси № 12 - сонли 31.01.2019 йилдан.

в) ишлаб чиқаришни текшириш далолатномаси

05.02.2019 йилдаги 05/32-сонли далолатнома

Инспекцион назоратни

Наманган ССМ ДК томонидан

бир йилда бир мартаба

даврийлик билан амалга оширади.

Алоҳида ёзувлар:


Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар технологик жараён ва меъёрий ҳужжат талабларига мос келгандагина мувофиқлик сертификати ҳақиқий ҳисобланади.

Мувофиқлик белгиси қўйилади:

Мувофиқлик белгиси маҳсулот юк кузатув ҳужжатларига қўйиб борилади.

Илова: Мувофиқлик сертификатининг нусхаси фақат сертификатлаштириш бўйича идора ёки асл нусха эгаси томонидан муҳр билан тасдиқлангандан сўнг ҳақиқийдир.

Сертификатлаштириш идораси раҳбари



(ИМЗО)

Х.Ходжаев

(Ф.И.О.)

Эксперт

(ИМЗО)

Д. Рафиқжонов

(Ф.И.О.)